



## ИНТЕРНЕТ БУТУНЖАҲОН АХБОРОТ ТАРМОҒИДАН ФЙДАЛАНИБ ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШГА УНДАШ ЖИНОЯТИ: ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

**Аширбоев Ахроржон Тиркаш ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Ички

ишлар вазирлиги Академияси

Киберҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17617580>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-noyabr 2025 yil

Ma'qullandi: 12-noyabr 2025 yil

Nashr qilindi: 15-noyabr 2025 yil

### KEY WORDS

кибержиноят, ундаш, кўндириш,  
алдаш киберҳавфсизлик,  
трансчегаравий жиноят,  
анонимлик, компьютер  
тизимлари, ахборот  
технологиялари.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада XXI аср рақамли технологиялари шароитида юзага келган интернет орқали ўз жонига қасд қилишга ундаш жиноятининг ҳуқуқий моҳияти, турлари ва профилактика чоралари тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 103<sup>1</sup>-моддаси асосида жиноят таркибининг элементлари таҳлил қилинган ҳамда интернет орқали содир этилган жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари – анонимлик, масофавийлик, кўп сонли қурбонларга бир вақтнинг ўзида таъсир ва халқаро характер – очиб берилган. Жиноятнинг асосий шакллари, жумладан, “Ўлим ўйинлари” (“Кўк кит”), зарарли челленжлар ва деструктив контент тарқатиш кўриб чиқилган, 10-24 ёш ораси ўсмирлар асосий хавф гуруҳи сифатида белгиланган.*

XXI аср технологиялар асри бўлиб, интернет инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Бутунжаҳон тармоқ билим олиш, мулоқот қилиш, ишлаш ва ўйин-кулги учун ноёб имкониятлар яратди. Бироқ, афсуски, бу технологиялар имкониятлар билан бирга жиддий хавфларни ҳам келтириб чиқарди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 700 мингдан ортиқ одам ўз жонига қасд қилиш оқибатида вафот этади[1]. Бу рақам автомобиль ҳалокатлари, табиий офатлар ва айрим касалликлардан вафот этганлар сонидан кўп. Энг ташвишлиси шундаки, сўнгги ўн йил мобайнида интернетнинг ривожланиши билан параллел равишда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари, айниқса ўсмирлар ва ёшлар ўртасида кескин ошди. Бу тасодиф эмас – жиноятчилар рақамли технологияларни ўз мақсадлари учун фойдаланишни ўрганиб олдилар. Бугун биз қуйидаги масалаларни кўриб чиқамиз: *биринчидан*, интернет орқали ўз жонига қасд қилишга ундаш жиноятининг моҳияти ва ҳуқуқий асослари; *иккинчидан*, бу жиноятнинг турлари ва намоён бўлиш шакллари; *учинчидан*, жиноий жавобгарлик чоралари ва суд амалиёти; *тўртинчидан*, хавф

остигади гуруҳлар ва огоҳлантирувчи белгилар; *бешинчидан*, олдини олиш чоралари ва таклифлар.

АҚШда 2020 йилда суицид натижасида тахминан 46,000 одам вафот этган. 10-24 ёш ораси ўсмирлар ва ёшлар орасида суицид 100,000 кишидан 10.7 кўрсаткич билан иккинчи асосий ўлим сабаби ҳисобланади[2].

Интернет орқали ўз жонига қасд қилишга ундаш – бу замонавий кибержиноятчиликнинг энг хавfli ва инсонпарварликка қарши турларидан бири бўлиб, бунда жиноятчи рақамли технологиялар, ижтимоий тармоқлар, мессенджерлар ва бошқа интернет воситаларидан фойдаланиб, психологик жиҳатдан заиф, депрессияда ёки қийин ҳаётини вазиятда бўлган одамларни ўз жонига қасд қилишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 103<sup>1</sup>-моддаси “Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш” деб номланади ва қуйидаги шакилда ифодаланган:

ЖК 103<sup>1</sup>-модда, 1-қисм: “Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлса”[3]учун жавобгарликни назарда тутати.

Мазкур модданинг иккинчи қисми в) бандида эса “телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса” деб диспозиция келтириб ўтилган бўлиб бунда айнан биз тадқиқ этаётган жиноят таркиби келтириб ўтилган.

Бу жиноятнинг *объекти* – инсон ҳаёти бўлиб, жамиятда энг қимматли неъмат ҳисобланади. *Объектив томони* – кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотишга қаратилган ҳаракатлардир. *Субъект* – 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмони шахс. *Субъектив томони* – қасд, яъни жиноятчи ўз ҳаракатларининг оқибатларини англаб, қурбонни ўз жонига қасд қилишга етаклашни истайди ёки бунга эҳтимол деб ҳисоблайди.

Мазкур жиноятни содир этган шахсга нисбатан ҳам ЖК 25-моддасини қўллаш талаб этилмайди, чунки мазкур жиноят шахс ўзини ўзи ўлдиришга ундалган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

Интернет орқали ўз жонига қасд қилишга ундаш анъанавий усулларда содир этилган жиноятлардан бир қатор жиҳатлари билан фарқланади:

Биринчи хусусият – анонимлик ва масофавийлик. Жиноятчи қурбон билан бевосита физик алоқада бўлмаса-да, виртуал макон орқали кучли психологик таъсир кўрсатади. У турли никнеймлар, сохта профиллар ортида яшириниб, ўз шахсини маълум қилмайди. Бу жиноятчини аниқлаш ва жавобгарликка тортишни қийинлаштиради.

Иккинчи хусусият – кўп сонли қурбонларга бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатиш имконияти. Бир жиноятчи ижтимоий тармоқлар, гуруҳлар, каналлар орқали юзлаб, ҳатто минглаб одамларга зарарли контент тарқатиши, улар билан боғланиши ва манипуляция қилиши мумкин. Бу жиноятнинг жамиятга зарарини кўп марта оширилади.

Учинчи хусусият – узоқ муддатли ва тизимли таъсир. Интернет орқали ундаш жараёни бирдан содир бўлмайди. Жиноятчи қурбон билан кундалик алоқада бўлиб, унга ишонч уйғотади, психологик боғланиш яратади, сўнгра аста-секин манипуляция орқали қарорларига таъсир қилади. Бу жараён ҳафталаб, ҳатто ойлар давом этиши мумкин.

Тўртинчи хусусият – халқаро хусусият. Интернет чегараларни билмайди. Жиноятчи бир мамлакатда, қурбон эса бутунлай бошқа қитъада бўлиши мумкин. Бу тергов ва жавобгарликка тортишни жуда мураккаблаштиради, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик талаб қилади.

Бешинчи хусусият – рақамли далиллар. Интернет орқали содир этилган жиноятларда далиллар асосан электрон кўринишда бўлади: переписка тарихи, скриншотлар, IP-манзиллар, серверлар маълумотлари. Бу далилларни тўғри йиғиш, сақлаш ва суд жараёнида қўллаш махсус билим ва технологияларни талаб қилади.

Интернет орқали ўз жонига қасд қилишга ундаш турли шакл ва усулларда намоён бўлади. Булар қуйидаги асосий турларга бўлинади:

Бу жиноятнинг энг хавфли ва мураккаб туридир. “Ўлим ўйинлари” – махсус ташкил этилган онлайн деструктив ўйинлар бўлиб, иштирокчиларни кетма-кет хавфли топшириқларни бажаришга ундайди ва якунида ўз жонига қасд қилишга етаклайди. “Кўк кит” (Синий кит) – энг машҳур мисол. Бу ўйин 2016 йилда Россияда пайдо бўлган ва тез орада бутун дунёга тарқалган [4].

Унинг механизми қуйидагича: иштирокчи (одатда 12-17 ёшли ўсмир) ижтимоий тармоқларда махсус хештеглар (китигра, синийкит, f57, f58 ва бошқалар) орқали “куратор” деб аталувчи шахс билан боғланади. Куратор 50 кунлик давр мобайнида ҳар куни янги топшириқ беради. Дастлабки топшириқлар нисбатан хавфсиз кўринади: муайян вақтда уйғониш, кўрқинчли видео томоша қилиш, махсус мусиқа тинглаш. Кейинги босқичларда топшириқлар тобора хавфлироқ бўлади: танага пичоқ билан кит расмини чизиш, лаблардан қон чиқариш, том устига чиқиш, кечаси уйқусиз қолиш, ўзини ижтимоий алоқалардан изоляция қилиш. Куратор иштирокчига психологик босим ўтказиши: “Агар топшириқни бажармасанг, оилангга зарар етказаман”, “Сенинг манзилинг маълум”, “Энди ортга қайтиш йўқ”. 50-кунда иштирокчига охириги топшириқ берилади – ўз жонига қасд қилиш (одатда биноларнинг тоmidан сакраш).

“Кўк кит” ўйини жаҳон бўйлаб 130 дан ортиқ ўсмирнинг ҳалокатига сабаб бўлган. Унинг яратувчиси Филипп Будейкин Россияда ҳибсга олинган ва 3 йил озодликдан маҳрум қилинган. Афсуски, бу ўйиннинг кўплаб нусхалари ва вариантлари (Тихий дом, Беги или умри, Разбуди меня в 4:20 ва бошқалар) ҳозир ҳам фаолият кўрсатмоқда [5].

Бундан ташқари зарарли “челленджлар” орқали ундаш. Челленж (challenge – синов, вазифа) – ижтимоий тармоқларда тарқаладиган ва одамларни муайян ҳаракатни амалга ошириб, видеога тушириб, тарқатишга ундовчи трендлардир. Кўпгина челленджлар хавфсиз ва ҳатто фойдали бўлса-да (масалан, Ice Bucket Challenge – ALS касаллигига эътиборни жалб қилиш учун), баъзилари жиддий хавф туғдиради. “Момо челленжи” 2018 йилда тарқалган бўлиб, кўрқинчли кўринишга эга “Момо” характери WhatsApp орқали болаларга хабарлар юбориб, уларни хавфли ҳаракатларга, шу жумладан ўз жонига қасд қилишга ундаган. “Галстук челленжи” (Choking game)да ўсмирлар бўғилиш туйғуси учун бир-бирларини ёки ўзларини бўғадилар, бу онгни вақтинча йўқотишга, мия зарарига ва ҳатто ўлимга олиб келади. “Скулл брейкер челленжи”да уч одам қаторда турганда, ўртадаги одам сакраганда ён томондагилар унинг оёғини тепиб қулатади, натижада жиддий бош ва орқа жароҳатлари юзага келади.

Суицид контенти тарқатиш орқали ундаш бу турда жиноятчилар турли платформаларда ўз жонига қасд қилишни тарғиб қилувчи, романтиклаштирувчи ёки унинг усуллари тўғрисида батафсил маълумот берувчи контент жойлаштиради.

Суицид контентининг шакли:

а) Тўғридан-тўғри тарғибот: Ўз жонига қасд қилишни “ечим”, “озод бўлиш”, “оғриқдан қутулиш” сифатида тақдим этиш. Масалан: “Ҳаёт маънога эга эмас”, “Ўлим энгил йўл”, “Бу дунёда сен керак эмассан” каби постлар.

б) Методлар тўғрисида батафсил тавсифлар: Махсус веб-сайтлар ва форумларда ўз жонига қасд қилишнинг “самаралироқ” усуллари, керакли воситалар, жойлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бериш.

в) Романтиклаштириш: Ўз жонига қасд қилишни “санъат”, “қаҳрамонлик”, “гўзаллик” сифатида кўрсатиш. “Ромео ва Жульетта” типигаги фожеали ошиқлик ҳикояларини мақташ.

г) Депрессив эстетика: Ижтимоий тармоқларда доимий равишда қора ранг, қайғу, умидсизлик, ўлим символикаси билан тўлдирилган контент. Бу психологик жиҳатдан заиф одамларнинг ҳолатини чуқурлаштиради.

д) “Суицид пактлар”: Форумларда танишган одамлар биргаликда ўз жонига қасд қилиш тўғрисида келишиб олишади. Буларни топишни энгиллаштирувчи махсус сайтлар мавжуд.

е) Жонли эфирларда суицид: Баъзи ҳолларда одамлар ўз жонига қасд қилиш жараёнини жонли эфирда намойиш этади. Бу кузатувчиларга оғир психологик травма етказди ва “Вертер эффекти”ни (бир суицид бошқаларига таъсир қилиб, такрорланишга олиб келиши) келтириб чиқаради.

Умумтаълим мактабларининг барча синфларида “Рақамли хавфсизлик ва кибергигиена” фанини мажбурий равишда киритиш лозим. Дарсларда ўсмирларга виртуал манипуляция, зарарли челленжлар, анонимликнинг ёлғон хавфсизлиги ҳақида ўргатилсин. Мақолада таъкидланганидек, ушбу жиноятларнинг асосий қурбонлари 10-24 ёш ораси ўсмирлар бўлгани учун профилактика эрта ёшданоқ бошланиши керак.

Ота-оналарнинг кўпчилиги фарзандларининг онлайн фаолиятини назорат қилишни билмайди. Мақолада айтилган “куратор” деб аталувчи жиноятчилар 50 кун давомида ўсмирларга психологик босим ўтказишини ҳисобга олганда, ота-оналар огоҳлантирувчи белгиларни (танада пичоқ излари, туннинг ўртасида уйғониш, ижтимоий изоляция) эрта аниқлашга тайёр бўлиши керак. Жиноят кодексининг 103<sup>1</sup>-моддасини такомиллаштириш зарурати мавжуд моддада нисбатан энгил жазо белгиланган. Жазо миқдорини ошириш таклиф этилади.

Деструктив контентга қарши курашишда репрессив чораларгина етарли эмас. Ўсмирлар ва ёшларга қаратилган ижобий, ҳаётни тасдиқловчи, умид берувчи, психологик барқарорликни мустаҳкамловчи контент яратиш ва тарғиб қилиш керак. Машхур блогерлар, артистларни бу жараёнга жалб этиш самарали бўлади.

Мақолада кўрсатилганидек, интернет жиноятлари халқаро характерга эга. Шунинг учун ушбу соҳада илғор тажрибага эга бўлган мамлакатлар (Жанубий Корея, Япония, Германия, Буюк Британия) билан фаол ҳамкорлик қилиш, уларнинг самарали усуллари миллий шароитга мослаштириб жорий этиш, умумий маълумотлар базаси ва тезкор алоқа тизимини яратиш зарур.

Бу таклифларнинг комплекс амалга оширилиши интернет орқали ўз жонига қасд қилишга ундаш жиноятларининг олдини олишда муҳим қадам бўлади ва мақолада кўрсатилган хавfli тенденцияларни тўхтатишга ёрдам беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Suicide Data and Statistics (Электрон манба: <https://www.cdc.gov/suicide/facts/data.html>)
2. Social Media & Suicide (<https://socialmediavictims.org/mental-health/suicide/>)
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2025.
4. Inside the Blue Whale Challenge, an Alarming Social Media Game That Ends With Participants Death (Электрон манба: <https://www.insideedition.com>).
5. Heart-Breaking Cyberbullying Statistics for 2024 (Электрон манба: <https://knowyourmeme.com/memes/blue-whale-challenge>)
6. Жиноятларни квалификация қилиш муаммолари (махсус қисм) [Матн]: дарслик / Салаев Нодиржон Сапарбаевич, Ниёзова Саломат Сапаровна, Отажонов Абдоржон Анварович. – Т.: ТДЮ нашриёти, 2025. – 584 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. Махсус қисм/М. Рустамбаев. - Тошкент: "Yuridik adabiyotlar publish", 2021. - 744 б.

INNOVATIVE  
ACADEMY